Ихтиро моҳияти: антитанача ёки унинг антиген-боғловчи фрагменти таклиф қилинган бўлиб, улар K_D таркиби 500пМ дан кам бўлган инсон α -синуклеини билан боғланади, инсон α -синуклеинининг С-охирги соҳасида тахминан 102-аминокислота ва 130-аминокислота ўртасидаги соҳа билан ўзига хос боғланади ва α -синуклеиннинг тарқалишини *in vivo* камайтиради, инсон α -синуклеини билан боғланади-

ган антитанача ёки унинг антиген-боғловчи фрагменти, уларнинг таркибига қуйидагилар қиради:

а) қуйидаги кетма-кетликларга эга бўлган учта CDR оғир занжири:

(i) H-CDR1 SEQ ID NO:5,

(ii) H-CDR2 SEQ ID NO:15 ва

(iii) H-CDR3 SEQ ID NO:16; ва

б) қуйидаги кетма-кетликларга эга бўлган учта CDR энгил занжири:

(i) L-CDR1 SEQ ID NO:20,

(ii) L-CDR2 SEQ ID NO:10 и

(iii) L-CDR3 SEQ ID NO:21.

Шунингдек пациентда марказий нерв система-си (CNS) касалликларини пациентга антитанача ёки унинг антиген-боғловчи фрагментини қиритиб даволаш ёки олдини олиш усули, таркибида антитанача ёки унинг антиген-боғловчи фрагменти ва фармацевтик мақбул эксцепиент бўлган фармацевтик композиция, антитанача ёки унинг антиген-боғловчи фрагментини кодлайдиган ажратиб олинган нуклеин кислота молекуласи, таркибида нуклеин кислотасининг молекуласи бўлган векторни ўз ичига олган бош хўжайра таклиф қилинган.

Использование: медицинская химия, фармакология, медицина. **Задача:** поиск новых антител и их применение. **Сущность изобретения:** предложено антитело или его антиген-связывающий фрагмент, связывающиеся с человеческим α -синуклеином с K_D менее 500пМ, специфично связывающиеся с областью, расположенной приблизительно между аминокислотой 102 и аминокислотой 130 в С-концевой области человеческого α -синуклеина, и уменьшающие распространение α -синуклеина *in vivo*, антитело или его антиген-связывающий фрагмент, связывающиеся с человеческим α -синуклеином, содержащие:

а) три CDR тяжелой цепи, имеющие последовательности:

(i) H-CDR1 SEQ ID NO:5,

(ii) H-CDR2 SEQ ID NO:15 и

(iii) H-CDR3 SEQ ID NO:16; и

б) три CDR легкой цепи, имеющие последовательности:

(i) L-CDR1 SEQ ID NO:20,

(ii) L-CDR2 SEQ ID NO:10 и

(iii) L-CDR3 SEQ ID NO:21.

Также предложен способ лечения или предупреждения заболевания центральной нервной системы (CNS) у пациента, включающий введение пациенту антитела или его антиген-связыва-

вающего фрагмента, фармацевтическая композиция, содержащая антитело или его антиген-связывающий фрагмент и фармацевтически приемлемый эксципиент, выделенная молекула нуклеиновой кислоты, кодирующая антитело или его антиген-связывающий фрагмент, клетка-хозяин, содержащая вектор, содержащий молекулу нуклеиновой кислоты.

(13) В**(21)** IAP 2018 0639**(22)** 25.12.2018**(51)** A61K 39/112, A61K 39/02, C12N 1/20, G01N 33/00**(71)** Ветеринария илмий-тадкикот институти, UZ

Научно-исследовательский институт ветеринарии, UZ

(72) Ахмедов Баходир Назарович, Эльмуродов Бозорбой Ахтамович, Абдалимов Собир Хамзаевич, Исмадова Раъно Асадовна, Нуруллаев Алишер Абдуллаевич, Салимов Ильхом Хаитович, Муродов Хуршид Уктамович, Курбон Фарход Мухиддинович, UZ**(54)** Паррандаларнинг пуллороз – тиф касаллигини аниқлаш учун рангли антиген олиш усули

Способ получения цветного антигена для диагностики пуллороза – тифа птиц

(57) Фойдаланиш соҳаси: ветеринария, жумладан ветеринар микробиология (серология), паррандаларнинг пуллороз – тиф касаллигини ҳаёт пайтида оммавий серологик ташхислаш учун рангли антиген олишда. **Вазифаси:** пуллороз антигенини тайёрлаш жараёнини содда-лаштириш ва сақлаш муддатини шириш. **Ихтиро моҳияти:** 1:2:1 нисбатда олинган 9-, 18-, 21-сонли *Salmonellagallinarumpullogum* штамлари ўстирилади, 15-20 дақиқа давомида 4000 айл/дақиқада центрифугаланани, суспензия 1% ли физиологик эритма билан 1:5 нисбатда суюлтирилади, суспензия 0,05 мл/1 мл дозада 2% ли генцианвиолет эритмаси билан бўялади, 1% ли физиологик эритмада концентрацияси 10-12 млрд. м.т./мл га еткунига қадар суюлтирилади, +37+38°C ҳароратда 36 соат давомида 0,4 % ли формалин билан ёки 22 кГц режимда 6-7 дақиқа давомида ультратовуш билан инактивацияланади. Усул бўйича антигеннинг ярқилик муддати – 2 йил. Антигеннинг нархи ККРА реакцияси учун тахминан 1 литр учун 1,5 млн. сўми ташкил қилади, бу тижорий аналоглар нархидан 3-4 марта арзонроқ.

Использование: ветеринария, в частности ветеринарная микробиология (серологии), для получения цветного антигена для массовой прижизненной серологической диагностики пуллороза – тифа птиц. **Задача:** упрощение процесса изготовления пуллорозного антигена и увеличение срока хранения. **Сущность изобретения:** выращивают штаммы *Salmonellagallinarumpullogum* № 9, № 18, № 21, взятые в соотношении 1:2:1, центрифугируют при 4000 об/мин в течение 15-20 мин, разводят суспензию 1%-ным физиологическим раствором в соотношении 1:5, суспензию окрашивают 2 %-ным раствором генцианвиолета в дозе 0,05 мл/ 1 мл суспензии, разводят 1%-ным физиологическим раствором до концентрации 10-12 млрд. м.т./мл, инактивируют 0,4 %-ным формалином при +37+38°C в течение 36 час или ультразвуком при режиме 22 кГц в течение 6-7 мин. Срок годности антигена по способу - 2 года. Стоимость антигена для ККРА реакции составляет примерно 1,5 млн. сум за литр, что в 3-4 раза дешевле стоимости коммерческих аналогов.

(13) В**(21)** IAP 2018 0627**(22)** 28.06.2017**(51)** A61K 9/08 (2006.01), A61K 47/26 (2006.01), A61K 47/10 (2006.01), A61K 47/14 (2006.01), A61K 9/00 (2006.01), A61K 39/395 (2006.01), A61K 39/00 (2006.01)**(31)(32)(33)** 10-2016-0083039, 30.06.2016, KR**(71)** СЕЛЛТРИОНИНК., KR**(72)** ЛИ, ЧжуВон, ХАН, ВонЙон, КИМ, СуЮнг, ОХ, ЧжунСок, КИМ, СоЁн, ХОН, СуХён, СХИН, ЁнКён, KR**(85)** 18.12.2018**(86)** 28.06.2017, PCT/KR2017/006855**(87)** 04.01.2018, WO 2018/004260**(54)** Барқарор суюқ фармацевтик таркиб Стабильный жидкий фармацевтический состав

(57) Фойдаланиш соҳаси: фармацевтика. **Вазифаси:** ковшоққлигининг пастлиги ва шу билан бирга таркибида антитаначаларнинг юқорилиги билан ажралиб турадиган барқарор суюқ фармацевтик таркибни олиш. Ихтиро хал қилишга қаратилган яна бир вазифа тезлаштирилган деградация шароитларида ва қўйилган қатъий шартларга жавоб берадиган ўта зўр барқарорлиги билан ажралиб турадиган суюқ фармацевтик таркибни таъминлашдан иборат. Ихтиро хал қилишга қаратилган яна бир вазифа тери остига юбориш мумкин бўлган барқарор суюқ

фармацевтик таркибни таъминлашдан иборат. **Ихтиро моҳияти:** антиген-боғловчи фрагментини ўз ичига олган барқарор суюқ фармацевтик таркиб, юзаки-актив модда, қанд ёки унинг ҳосиласи ҳамда ацетат ёки гистидинни ўз ичига олган буфер, шунингдек аввалдан ушбу таркиб тўлдирилган шприцни ўз ичига олган инъекция учун автоматик қурилма таклиф қилинган.

Использование: фармацевтика. **Задача:** получение стабильного жидкого фармацевтического состава, характеризующегося низкой вязкостью и характеризующегося при этом высоким содержанием антитела. Другой задачей, на решение которой направлено изобретение, является обеспечение жидкого фармацевтического состава, характеризующегося превосходной стабильностью при длительном хранении на основании высокой стабильности в условиях ускоренной деградации и жестких условиях. Еще одной задачей, на решение которой направлено изобретение, является обеспечение стабильного жидкого фармацевтического состава, который можно вводить подкожно. **Сущность изобретения:** предусматривает стабильный жидкий фармацевтический состав, содержащий антитело или его антигенсвязывающий фрагмент, поверхностно-активное вещество, сахар или его производное и буфер, содержащий ацетат или гистидин, а также автоматическое устройство для инъекций, включающее в себя предварительно заполненный данным составом шприц.

(13) В

(21) IAP 2018 0645

(22) 27.12.2018

(51) A61L 15/20, A61L 15/32

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент тиббиёт академияси, UZ Ташкентская медицинская академия Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Цеомашко Наталья Евгеньевна, Абидова Азиза Джалиловна, Кадырова Дильбар Абдуллаевна, Махмудов Сардор Джалилович, Арипова Салимахон Фазиловна, Заирова Хулкар Туйгуновна, Камиллов Хусан Масудович, UZ

(54) Турли генездаги жароҳатларни қоплаш учун регенератив ва антимикроб хусусиятга эга бўлган восита

Средство, обладающее регенерирующими и антимикробными свойствами для покрытия ран различного генеза

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, чунончи турли генездаги тери қопламалари ва юмшоқ тўқималардаги жароҳатлар терапияси. **Вазифаси:** жароҳатларни қоплаш учун биодеградацияланувчи, биоқўшилувчан воситани олиш. **Ихтиро моҳияти:** турли генездаги жароҳатларни қоплаш учун биодеградацияланувчи, биоқўшилувчан фаолликка эга бўлган коллаген асосидаги восита таклиф қилинган, унинг таркибига фибробластлар ўсишининг пролифератори – филлальбин алкалоиди киритилган бўлиб, у шунингдек антиоксидант – кверцетин флавоноиднинг микробларга қарши фаоллигига эга.

Использование: медицина, а именно терапия ран кожных покровов и мягких тканей различного генеза. **Задача:** получение биодеградируемого, биосовместимого раневого покрытия. **Сущность изобретения:** заявлено средство для покрытия ран различного генеза, обладающее регенеративной, антиоксидантной активностью на основе коллагена с введением в его состав пролифератора роста фибробластов - алкалоида филлальбина, обладающего также антимикробной активностью и антиоксиданта - флавоноида кверцетина.

В бўлими

ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Раздел В

РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

В01

(13) В

(21) IAP 2018 0590

(22) 09.05.2017

(51) B01D 47/06 (2006.01), B01D 47/10 (2006.01), B01D 53/58 (2006.01), C07C 273/16 (2006.01), C05C 9/00 (2006.01)

(31)(32)(33) 16168796.7, 09.05.2016, EP

(71) СТАМИКАРБОНБ.В., NL

(72) ХИГГИНС, Брайан Сейр, ТЕЙТ Ш, Джон-Маршал, ЙЕТС, Роберт Артур, ПОМЕРЛО, Марсель Жульен, ХЕОН, Йон Михал, ДИРКС,

ВилфридМаркРенат, КОЛОМАГОНСАЛЕС,
Хуан, NL

(85) 05.12.2018

(86) 09.05.2017, PCT/NL2017/050287

(87) 16.11.2017, WO 2017/196167

(54) Газо кимидан субмикронли зарраларни олиб ташлаш

Удаление субмикронных частиц из потоков газа

(57) Фойдаланиш соҳаси: кимё, жумладан ажратувчи агент сифатида суюкликдан фойдаланиб, дисперс зарраларни газлардан ажратиш бўйича технологик жараёнлар. **Вазифаси:** такомиллашган тизимни ва карбамидни приллирлаш миноралари учун карбамид ва иммиак отилиб чиқишни пасайтириш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** газ оқимидан, жумладан карбамидни приллирлашда ҳосил бўладиган чиқиб кетаётган газдан субмикронли заррачаларни олиб ташлаш учун Вентури эжектори ишлатиладиган усуллар ва тизимлар тавсифи келтирилган. Усул дам бериш амалини таъминлаш мақсадида таркибида субмикронли заррачалар бўлган газ оқимини дамлаб бериладиган юқори тезликдаги тозаловчи суюклик оқими билан Вентури эжекторида контактда келтиришни ўз ичига олади, боз устига тозаловчи суюкликнинг бошланғич тезлиги камида 25 м/сек га тенг, тозаловчи суюклик билан газ сарфининг ўзаро нисбати эса 0,0005 дан 0,0015 (м³/соат)/(м³/соат) гача келади. Ихтиро шунингдек газ оқимини тозалаш тизимига эга бўлган приллирлаш минорасига ҳам тегишли бўлиб, приллирлаш минорасининг устки қисмида Вентури эжектори жойлашган, ихтиро яна мавжуд приллирлаш миноарсини модификациялаш усулига тегишли.

Использование: химия, в частности технологические процессы по отделению дисперсных частиц от газов с использованием жидкости в качестве отделяющего агента. **Задача:** разработка улучшенной системы и способы снижения выбросов карбамида и аммиака для башен приллирования карбамида. **Сущность изобретения:** описаны способы и системы для удаления субмикронных частиц из потока газа, в частности из отходящего газа, образующегося при приллировании карбамида, в которых используют эжектор Вентури. Способ включает обеспечение в эжекторе Вентури контактирования потока газа, содержащего субмикронные частицы, с нагнетаемым высокоскорост-

ным потоком очищающей жидкости для обеспечения прокачивающего действия, причем очищающая жидкость имеет начальную скорость, по меньшей мере, 25 м/с, а отношение расхода очищающей жидкости и расхода газа составляет от 0,0005 до 0,0015 (м³/ч)/(м³/ч). Изобретение также относится к башне приллирования, имеющей систему очистки потока газа, содержащую эжектор Вентури в верхней части башни приллирования, и к способу модификации существующей башни приллирования.

(13) В

(21) IAP 2018 0632

(22) 22.06.2017

(51) *B01J 37/02 (2006.01), B01J 23/889 (2006.01), B01J 23/75 (2006.01), B01J 23/89 (2006.01), C10G 2/00 (2006.01), B01J 35/10 (2006.01)*

(31)(32)(33) 2016/05529, 11.08.2016, ZA

(71) САСОЛ САУТ АФРИКА ЛИМИТЕД, ЗА

(72) БОТА, Ян Маттеус, МУДЛИ, Дензел Джеймс, ПОТДЖИТЕР, Яна Элуаз, ЗА; ВАН РЕНСБУРГ, Хендрик, GB; ВАН ДЕ ЛООС-ДРЕХТ, Ян, МУДЛИ, Прабашини, ЗА

(85) 20.12.2018

(86) 22.06.2017, PCT/IB2017/053723

(87) 15.02.2018, WO 2018/029548

(54) Таркибида кобальт бўлган каталитик композиция

Кобальтосодержащая каталитическая композиция

(57) Фойдаланиш соҳаси: кимё саноати, хусусан, катализатор, янада аниқроғи кобальттаркибли каталитик композициялар. **Вазифаси:** характеристикалари яхшилланган катализаторларни яратиш, масалан, гидротермик барқарорлиги, актив компонентнинг тикланиш қобилияти, катализатор активлигининг ошиши, маҳсулотга нисбатан катализатор селективлигининг оширилиши, ФТ синтези пайтида катализатор активлиги барқарорлигининг ортиши яхшиланади. **Ихтиро моҳияти:** таркибида кобальт бўлган каталитик композиция таклиф қилинган бўлиб, унинг таркибига катализатор таглигида ва/ёки унинг ичида жойлашган кобальт ва/ёки кремний диоксида (SiO₂) асосидаги кобальт бирикмаси киради, боз устига катализатор таглиги ғовақларининг ўртача диаметри 20 нм дан ортиқроқ, аммо 50 нм дан камроқ бўлиб, бу Барретт-Джойнер-Халенд (ВЖН) методи бўйича азотнинг физик сорбциясини таҳлил қилиш асосида аниқланган; бунда каталитик компози-

ция таркибига шунингдек катализатор таглигида ва/ёки унинг ичида жойлашган титан бирикмаси ҳамда марганец бирикмаси киради, ихтиро катализаторнинг кобальттаркибли ўтмишдошини олиш усулига, кобальттаркибли катализаторни олиш усулига, шундай катализатор кўлланадиган углеводородлар синтези усулига ҳам тегишли.

Использование: химическая промышленность, в частности, к катализаторам, более конкретно к кобальтсодержащей каталитической композиции. **Задача:** создание катализаторов с улучшенными характеристиками, например, улучшения гидротермической стабильности, улучшения способности к восстановлению активного компонента, повышения активности катализатора, повышения селективности катализатора к продукту и увеличения стабильности активности катализатора при синтезе ФТ. **Сущность изобретения:** предлагается кобальтсодержащая каталитическая композиция, содержащая кобальт и/или соединение кобальта на подложке катализатора на основе диоксида кремния (SiO_2) и/или в ней, причем средний диаметр пор подложки катализатора составляет более чем 20 нм, но менее чем 50 нм, что определено посредством анализа физической сорбции азота по методу Барретта-Джойнера-Халенда (ВН); при этом каталитическая композиция также содержит соединение титана на подложке катализатора и/или в ней и соединение марганца на подложке катализатора и/или в ней, способу получения кобальтсодержащего предшественника катализатора, способу получения кобальтсодержащего катализатора и способу синтеза углеводородов, в котором используют такой катализатор.

(13) В

(21) IAP 2018 0623

(22) 19.05.2017

(51) B01J 8/22 (2006.01), B01J 8/00 (2006.01)

(31)(32)(33) 10 2016 110237.7, 02.06.2016, DE

(71) Л'ЭР ЛИКИД СОСЬЕТЕ АНОНИМ ПУР Л'ЭТЬЮД Э Л'ЕКСПЛУАТАСЬЁН ДЭ ПРОСЕДЭ ЖОРЖ КЛОД, FR

ДЭ ПЕТРОЛЕУМ ОЙЛ ЭНД ГЭС КОРПОРЕЙШН ОФ САУТ АФРИКА (СОК) ЛТД, ZA

(72) БРЮШКЕ, Марк, DE; ТЕЙЛОП, Партик Отто, ZA; СЕРАКЕР, Пол, NO

(85) 17.12.2018

(86) 19.05.2017, PCT/EP2017/062084

(87) 07.12.2017, WO 2017/207299

(54) Фишер-Тропш жараёни учун суспензион барботаж устунли реактор

Суспензионный барботажный колонный реактор для процесса Фишера-Тропша

(57) Фойдаланиш соҳаси: халқ хўжалигининг турли соҳалари, таркибида углерод монооксиди ва водород бўлган газ қоришмасининг суюқ углеводородларга конверсияси. **Вазифаси:** суюқ углеводородларни катализатор заррачаларидан ажратиш учун фильтрацияни яхшилаш ва ажратиб олинган суюқ углеводородларни филтрлаш зонасидан чиқариб ташлаш учун чиқариш қувури, шунингдек ушбу суспензион барботаж устунли реакторнинг иш усулини яхшилаш. **Ихтиро моҳияти:** таркибида углерод монооксиди ва водород бўлган газ қоришмасини конверсиялаш учун суспензион барботаж устунли реактор таклиф қилинган бўлиб, унинг таркибига катализатор зарраларининг суспензион қатлами, газ қоришмасини суспензия қатламига узатиш учун киритиш қувури, суюқ углеводородларни катализатор зарраларидан ажратиш учун филтрлаш зонаси, ажратиб олинган суюқ углеводородларни филтрлаш зонасидан чиқариш юбориш учун чиқариш қувури киради ва шу билан ф а р қ л а н а д и к и, филтрлаш зонаси суспензион барботаж устунли реакторда шундай ўрнаштирилганки, суспензион қатлам биринчи ва иккинчи иссиқлик алашинув зоналари ўртасида жойлашган филтрлаш зонаси билан иссиқлик алмашинувчи биринчи ва иккинчи зоналарда жойлашган; шунингдек таркибида углерод монооксиди ва водород бўлган газ қоришмасини суюқ углеводородларга конверсиялаш усули таклиф қилинган бўлиб, бу жараён газ қоришмаси суспензион барботаж устунли реакторга узатилаётганида содир бўлади, бу ерда газ қоришмасининг камида бир қисми суспензион қатламдаги катализатор зарраларида суюқ углеводородларга конверсияланади, боз устига ҳосил қилинган суюқ углеводородлар суспензион барботаж устунли реакторда жойлашган филтрлаш зонасида катализатор зарраларидан ажратиб олинади, ва бу ерда ажратиб олинган углеводородларнинг камида бир қисми филтрлаш зонасидан чиқариб юборилади, мана шу усул шуниси билан ф а р қ л а н а д и к и, унда газ оқими фақат оқувчан муҳит бўйлаб филтрлаш зонаси орқали бириктирилган иккита иссиқлик алмашинув зонасида кон-

версияланади, ҳамда суспензион барботаж устунли реакторнинг Фишер-Тропш жараёнини амалга ошириш учун қўлланиши таклиф қилинган.

Использование: различные отрасли народного хозяйства, для конверсии газовой смеси, содержащей монооксид углерода и водород, жидкие углеводороды. **Задача:** улучшение фильтрации для отделения жидких углеводородов от частиц катализатора и выпускной трубопровод для жидкости для удаления отделенных жидких углеводородов из зоны фильтрации, а также улучшение способа работы этого суспензионного барботажного колонного реактора. **Сущность изобретения:** предложен суспензионный барботажный колонный реактор для конверсии газовой смеси, содержащей монооксид углерода и водород, в жидкие углеводороды, в котором имеется суспензионный слой частиц катализатора, входной трубопровод для подачи газовой смеси в суспензионный слой, зона фильтрации для отделения жидких углеводородов от частиц катализатора и выпускной трубопровод для жидкости для удаления отделенных жидких углеводородов из зоны фильтрации, о т л и ч а ю щ и й с я тем, что зона фильтрации расположена в суспензионном барботажном колонном реакторе так, что суспензионный слой находится в первой и второй зонах теплообмена с зоной фильтрации, расположенной между первой и второй зонами теплообмена, также предложен способ конверсии газовой смеси, содержащей монооксид углерода и водород, в жидкие углеводороды, когда газовую смесь подают в суспензионный барботажный колонный реактор, где по меньшей мере часть газовой смеси конвертируется в жидкие углеводороды на частицах катализатора в суспензионном слое, причем полученные жидкие углеводороды отделяют от частиц катализатора в зоне фильтрации, расположенной в суспензионном барботажном колонном реакторе, и где по меньшей мере часть отделенных жидких углеводородов отводят из зоны фильтрации, отличающийся тем, что газовую смесь конвертируют в двух зонах теплообмена, соединенных по текучей среде только через зону фильтрации и применение суспензионного барботажного колонного реактора для осуществления процесса Фишера-Тропша.

В 03

(13) В

(21) IAP 2018 0581 (22) 21.10.2016
(51) B03D 1/08 (2006.01), B03D 1/10 (2006.01), B09B 1/00 (2006.01)

(31)(32)(33) 62/334,557, 11.05.2016, US

(71) АНГЛОАМЕРИКЭНСЕРВИСЕС (ЮКЭЙ) ЛТД, GB

(72) ФИЛЬМЕР, ЭнтониОуэн, AU; АЛЕКСАНДЕР, ДаниэльДжон, GB

(85) 03.12.2018

(86) 21.10.2016, PCT/IB2016/056324

(87) 16.11.2017, WO 2017/195008

(54) Рудаларни флотацион бойитиш вақтида чиқиндиларни сақлаш жойларининг заруриятини камайтириш

Уменьшение необходимости в хвостохранилищах при флотационном обогащении руд

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** каттиқ чиқиндиларни чиқариб олиш ва қайта ишлаш. **Вазифаси:** рудалардан қимматли металлларни чиқариб олиш усулини ишлаб чиқиш, бу усулда чиқиндиларни сақлаш жойларига бўлган заруриятни бартараф этиш ёки камайтириш учун йирик зарралар флотациясидан фойдаланилади. **Ихтиро моҳияти:** рудалардан қимматли металлларни чиқариб олишнинг комплекс усули таклиф қилинган бўлиб, бу усулда чиқиндиларни сақлаш жойларига бўлган заруриятни бартараф этиш ёки камайтириш учун йирик зарралар флотациясидан фойдаланилади, бу йирик зарралар флотацияси жараёнидан кейинги кумли чиқиндилар микдорининг майда зарралар флотацияси жараёнидан кейинги чиқиндилар микдорига нисбатини ошириш учун бажарилган комплекс бойитиш тизими ёрдамида амалга оширилади, кейинчалик йирик ва майда зарралар флотацияси жараёнларидан кейин бўш жинс материалларининг бир қисмини уюмларда тўплаш учун улар табиий сув чиқаргич билан аралаштирилади.

Использование: удаление и переработка твердых отходов. **Задача:** разработка комплексного способа извлечения ценных металлов из руд, в котором используется флотация крупных частиц для исключения или снижения необходимости в хвостохранилищах. **Сущность изобретения:** предложен комплексный способ извлечения ценных металлов из руд, в котором используется флотация крупных частиц для

исключения или снижения необходимости в хвостохранилищах, с помощью комплексной обогатительной системы, выполненной для увеличения отношения количества песчаных отходов после процесса флотации крупных частиц к количеству хвостов после процесса флотации мелких частиц, с последующим смешиванием части материалов пустой породы после процессов флотации мелких и крупных частиц для складирования в отвал с естественным водоотводом.

В 05

(13) В

(21) IAP 2018 0584

(22) 04.12.2018

(51) B05B5/62

(71) Toshkent kimyo-texnologiya instituti, UZ

Ташкентский химико-технологический институт, UZ

(72) Артиков Аскар Артикович, Носирова Шоира Нормурадовна, Холиков Мухриддин Мардикулович, Миркомиллов Абдурахмон Мираббосович, UZ

(54) Флотация аппарати

Аппарат флотации

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* металлургия, кимё технологияси, экология ва тоғ-кон металлургия саноати соҳасида модернизацияланган механик флотацион машина учун асбоб-ускуналар. *Вазифаси:* ишчи камерада пульпа оқимларининг гидродинамик структурасини яхшилаш ҳисобига чиқинди пульпада қимматли компонентлар таркибини камайтириш. *Ихтиро моҳияти:* камера, импеллер, қатор ўраб турувчи қувурлар, тинчлантирувчи панжара, қуювчи чўнтак, қуювчи чўнтак шибери, қуювчи чўнтак шиберини бошқарувчи штурвал, қуювчи чўнтак камера маҳсулотининг қалта қувури, кўпик олувчи қурилма, концентратни қабул қилиш учун тарнов, таъминот қувуридан таркиб топган флотация машинаси шу билан фаркланадики, камеранинг барботаж зонасида секцияларга радиал бўлувчи тўсиклар ўрнатилган бўлиб, улар оқимларининг гидродинамик структурасини яхшилашга ёрдам беради, ҳамда ушбу структурани суякликни тўлик аралаштиришдан тўхтаб, камера радиуси бўйлаб чиқариб ташлаб ҳаракатлантиришга ўтказилади.

Использование: оборудование для модернизированной механической флотационной машины в металлургии, химической технологии, экологии и в области горно-металлургической промышленности. *Задача:* уменьшение содержания ценных компонентов в хвостовой пульпе за счет улучшения гидродинамической структуры потоков пульпы в рабочей камере. *Сущностью изобретения:* флотационная машина, состоящая, из камеры; импеллера, обсадной трубы, успокоительной решётки, переливного кармана, шибера переливного кармана, штурвала управления шибером переливного кармана, патрубков камерного продукта переливного кармана, пеносъёмного устройства, желоба для приёма концентрата, трубы питания, отличающаяся тем, что, в барботажной зоне камеры установлены радиально секционирующие перегородки, способствующие улучшению гидродинамической структуры потоков с переводом ее из полного перемешивания жидкости к вытесненному движению по радиусу камеры.

В 21

(13) В

(21) IAP 2018 0589

(22) 05.12.2018

(51) B21D19/12

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси конструкторлик бюроси ва тажрибавий ишлаб чиқариш илмий-техник маркази, МЧЖ "MasterSteel", UZ

Научно-технический центр с конструкторским бюро и опытным производством Академии наук Республики Узбекистан, ООО "MasterSteel", UZ

(72) Бертенев Андрей Игоревич, Королёв Сергей Михайлович, Бахрамов Сагдулла Абдуллаевич, Клычев Шавкат Исакович, UZ

(54) Ясси думалок, ва конуссимон марказий тешикли тагларни буклаш қурилмаси

Устройство для отбортовки плоских круглых и конических днищ с центровым отверстием

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* саноатнинг турли соҳаларида, жумладан сигимларни ишлаб чиқаришда, чунончи шу жумладан тахтали пўлатдан ясалган йирик габаритли марказий тешикли ясси думалоқ ва конуссимон заготовкларни буклашда. *Вазифаси:* материалнинг қалинлиги 1 дан 6 мм гача ва буклаш баландлиги 5 дан

50 мм гача бўлган ясси думалоқ ва конуссимон заготовкларни буклаш учун қурилма яратиш, қурилманинг универсаллигини таъминлаш, қурилмани қайта сошлаш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш ва деформация билан сарфланаётган кучнинг йўналишларини тўғри келтириш ғисобига букиш пайтида деформацияга кетадиган кучни камайтириш. **Ихтиро моҳияти:** ушбу қурилмада букиш жараёни шундай амалга ошириладики, бунда деформацияловчи куч вектори ҳамма вақт заготовка материалнинг деформацияланиш йўналишига тўғри келади, бу эса заготовканинг айланиш ва текисловчи роликнинг ҳаракатланиш тезликларини танлаш имконияти билан биргаликда материалнинг пластик деформация зонасида бир текисда қайта тақсимланишига ёрдам беради; заготовканинг сирғалиб чиқиб кетмай айланиши роликни винт воситасида босиб туриш эвазига таъминланади.

Использование: в различных отраслях промышленности, в частности при производстве емкостей, а именно для отбортовки в том числе и крупногабаритных плоских круглых и конических заготовок с центровым отверстием из листовой стали. **Задача:** создание устройства для отбортовки плоских круглых и конических заготовок в диапазоне толщины материала от 1 до 6 мм и высотой отбортовки от 5 до 50 мм, обеспечение универсальности устройства, снижение затрат времени на переналадку устройства и уменьшение усилий на деформацию при отбортовке за счет совпадения направления деформации и прикладываемой силы. **Сущность изобретения:** процесс отбортовки в данном устройстве реализуется так, что вектор деформирующей силы всегда совпадает с направлением деформации материала заготовки, что, в сочетании с возможностью выбора скоростей вращения заготовки и перемещения закаточного ролика, способствует плавному перераспределению материала в зоне пластической деформации; вращение заготовки без проскальзывания обеспечивается прижимом ролика посредством винта.

В 23

(21) IAP 2018 0593
(51) B23K35/365

(13) В
(22) 06.12.2018

(71) O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi "Fizika-Quyosh" ilmiy ishlab chiqarish birlashmasining Fizika-texnika instituti, UZ

Физико-технический институт Научно-производственного объединения «Физика-Солнце» Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Авезова Нилуфар Раббанакуловна, Абрамов Музафар Махмудович, UZ; Бор Альфред Рейнгольдович, DE; Дуняшин Николай Сергеевич, Рахимова Фатима Маратовна, Саидов Рустам Маннапович, UZ

(54) **Электрод қоплама таркиби**
Состав электродного покрытия

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** пайвандлашда, хусусан кам углеродли пўлатни кўлда ёйли пайвандлаш учун. **Вазифаси:** электродларнинг прессланишини осонлаштириш. **Ихтиро моҳияти:** электрод қоплама таркиби компонентларнинг куйидаги нисбатида олинади, мас. %: гематит – 24-48, гнейс – 22-46, оҳактош – 2-10; тальк – 8-18, ферромарганец – 14-35, целлюлоза – 3-10.

Использование: при сварке, в частности для ручной дуговой сварки малоуглеродистой стали. **Задача:** облегчение прессуемости электродов. **Сущность изобретения:** состав электродного покрытия имеет следующее соотношение компонентов, мас. %: гематит – 24-48, гнейс – 22-46, известняк – 2-10; тальк – 8-18, ферромарганец – 14-35, целлюлоза – 3-10.

В 41

(13) В
(21) IAP 2018 0633 (22) 20.12.2018
(51) B41J 2/155 (2006.01)
(31)(32)(33) 2013931, 05.12.2014, NL
(31)(32)(33) PCT/NL2015/050843, 04.12.2015, WO
(31)(32)(33) IAP 20170261, 05.07.2017, UZ
(71) СПППринтсБ. В., NL
(72) ВАНДЕКРЁЙС, Франсискус Вилхелмус Джоанна Жерардус, МАНДЕРС, Мартинус Герардус Йозеф, СХОЛТЕН, Корне Герт Ян, NL

(54) **Чоп қилиш тизими учун чоп қилувчи штанга узелини тайёрлаш усули ва чоп қилувчи штанга узели**
Способ изготовления узла печатающей штанги для системы печати, и узел печатающей штанги

(57) Фойдаланиш соҳаси: чоп қилувчи қурилмаларни тайёрлаш, чунончи оқимли принтерларнинг чоп қилиш тизими учун чоп қилувчи штанга узелини тайёрлаш. **Вазифаси:** чоп қилувчи штанга узелларини тайёрлашнинг юқори аниқликдаги рентабель усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** чоп қилиш тизими учун чоп қилувчи штанга 2 узелини тайёрлаш усули кўплаб бирламчи монтаж позицияларига эга бўлган тутиб турувчи штангани 5 олиш, бўёқни сачратиш учун кўплаб форсункаларга эга бўлган кўплаб алмаштириладиган чоп қилувчи каллакчаларни 9 олиш ҳамда чоп қилувчи каллакчаларни 9 тутиб турувчи штангага 5 кейин яна олиб қўйиш имконияти билан ўрнатиш боқичларини ўз ичига олади. Чоп қилувчи каллакчаларни 9 тутиб турувчи штангага 5 кейин яна олиб қўйиш имконияти билан ўрнатиш боқичи олдиан, бирламчи монтаж позицияларида тутиб турувчи штангага 5 кўплаб репер элементлари 7 маҳкамланади ва сўнгра, кейинги босқичда репер элементларидаги 7 иккиламчи монтаж позицияларига 7а, кейин яна олиб қўйиладиган қилиб, чоп қилувчи каллакчалар 9 ўрнатилади. Репер элементларидаги 7 иккиламчи монтаж позицияларининг 7а бир-бирига нисбатан йўл қўйиладиган ўлчамлари тутиб турувчи штангадаги 5 бирламчи монтаж позицияларининг бир-бирига нисбатан йўл қўйиладиган ўлчамларидан аниқроқ бўлиши афзалроқ.

Использование: изготовление печатающих устройств, а именно узла печатающей штанги для системы печати для струйных принтеров. **Задача:** разработка рентабельного высокоточного способа изготовления узлов печатающей штанги. **Сущность изобретения:** способ изготовления узла печатающей штанги 2 для системы печати, включающий в себя этапы получения несущей штанги 5 со множеством первичных монтажных позиций, получения множества сменных печатающих головок 9 со множеством форсунок для распыления красителя, и установку печатающих головок 9 на несущую штангу 5 с возможностью последующего снятия. Перед этапом установки печатающих головок 9 на несущую штангу 5 с возможностью последующего снятия, в первичных монтажных позициях к несущей штанге 5 крепится множество реперных элементов 7 и затем, на последующем этапе, на вторичные монтажные позиции 7а на реперных элементах 7 устанавливаются печатаю-

щие головки 9 с возможностью последующего снятия. Размерный допуск вторичных монтажных позиций 7а на реперных элементах 7 относительно друг друга предпочтительно является более точным, чем размерный допуск первичных монтажных позиций на несущей штанге 5 относительно друг друга.

В 65

(13) В

(21) IAP 2018 0591

(22) 21.08.2018

(51) *B65D 71/50 (2006.01)*, *B65D 21/02 (2006.01)*, *B29C 67/24 (2006.01)*, *B29K 23/00 (2006.01)*, *B29K 105/26 (2006.01)*, *B29L 31/00 (2006.01)*

(31)(32)(33) 62/532, 923;14.07.2017, US

(71) ОРЕГОН ПРИСИЖН ИНДАСТРИЗ, ИНК. ДБА ПАКТЕК, US

(72) БОРГ, Закари Джеймс, МЕЛЛОП ДЖР., Рональд Ли, US

(85) 05.12.2018

(86) 21.08.2018, PCT/US2018/047389

(87) 17.01.2019, WO2019/014689

(54) Тарани ташиш учун кўтарилган эгилувчан дастакли қурилма

Устройство для переноски тары с гибкой поднятой ручкой

(57) Фойдаланиш соҳаси: чакана савдо соҳасида тара бирликлари гуруҳини маҳкамлаш ва уларни тутиб бир бутун ҳолда ташиш имкониятига эга бўлиш учун. **Вазифаси:** тарага маҳкамланган қопқоқлар чеккалари ўткир бўлиб, фойдаланувчи учун потенциал ноқулай вазиятни яратиш, фойдаланувчи териси битта ёки бир нечта қопқоқларнинг ўткир чеккаларига тегиб турадиган ҳолатларда ушлаб олиб юриш учун қулай қурилмани тақдим этиш. Бундан ташқари, қурилма шундай бўлиши керакки, тарани ташиш ўтиш учун ушланадиган ери кўриниб турадиган ва қулай бўлиши, фойдаланувчи тарани ташиш учун қурилмани ушлаб олиши ва/ёки кўтариб юришида таранинг вазни бир маромда тақсимланиши лозим. **Ихтиро моҳияти:** тарани ташиш учун қурилма ва уни тайёрлаш усули тақдим этилмоқда. Тарани ташиш учун қурилма устки юза, пастки юза ва кўплаб ҳалқасимон конструкциялари бўлган яхлит қуйма корпусга эга бўлиши мумкин. Ҳар битта ҳалқасимон конструкция камида битта кўшни ҳалқасимон конструкция билан бирикиши мумкин ва биргаликда тарани маҳкамлашга мўлжалланган кўплаб панжачаларга эга бўлган

периферик буртчалари бўлиши мумкин. Ажралмайдиган қилиб бажарилган даста тарани ташиш учун қурилма корпусидан юкорига ўтиши мумкин. Даста ушлаб олиш соҳаси ва бир жуфт елка ҳосил қиладиган иккига бўлинган соҳага эга бўлиши мумкин, бунда бир жуфт елка корпус билан бирикади ва тутиб туриладиган соҳани вертикал конфигурацияда силжимайдиган қилиб ушлаб туради. Елкалар шундай эгилиши мумкинки, бунда пастга йўналган силжиш кучи дастага силжиган ҳолатда қўйилганида, иккиланган соҳа ва ушлаб туриладиган соҳанинг кесишган ери дастанинг пастга эгилишини таъминлаган ҳолда силжийди.

Использование: в сфере розничной торговли для закрепления группы единиц тары с возможностью их захвата и переноски как единого целого. **Задача:** предоставление устройства, удобного для захвата и переноски в случае, когда крышки тары, закрепленные в ней, являются острыми, создавая для пользователя потенциально неудобную ситуацию, когда кожа пользователя контактирует с острым краем одной или более крышек. Кроме того, устройство должно быть таким, чтобы предполагаемое место захвата устройства для переноски тары было очевидным и удобным, чтобы пользователь захватывал и/или переносил устройство для переноски тары удобным образом, при котором вес тары распределяется равномерно. **Сущность изобретения:** предоставлено устройство для переноски тары и способ его изготовления. Устройство для переноски тары может иметь цельнолитой корпус с верхней поверхностью, нижней поверхностью и множеством кольцевых конструкций. Каждая кольцевая конструкция может соединяться с по меньшей мере одной соседней кольцевой конструкцией и может иметь периферический буртик со множеством лапок, которые совместно приспособлены закреплять тару. Неразделимо выполненная ручка может проходить вверх от корпуса устройства для переноски тары. Ручка может содержать область захвата и раздвоенную область, образующую пару плеч, которые соединяются с корпусом и поддерживают область захвата в вертикальной конфигурации в несмещенном состоянии. Плечи могут изгибаться так, что пересечение раздвоенной области и области захвата перемещается с обеспечением изгибания вниз ручки, когда направленное вниз сме-

щающее усилия прикладывается к ручке в смещенном состоянии.

С бўлими КИМЁ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ

Раздел С ХИМИЯ И МЕТАЛЛУРГИЯ

С 01

(13) В

(21) IAP 2018 0592

(22) 05.12.2018

(51) C01B 25/32

(71) Мухитдинов Фазлитдин Шамситдинович, UZ

(72) Мухитдинов Фазлитдин Шамситдинович, Мухитдинов Сирожиддин Фазлитдин ўғли, UZ

(54) **Ем учун трикальцийфосфат олиш усули
Способ получения кормового трикальцийфосфата**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ем ишлаб чиқариши, чунончи кора мол ва паррандани боқишда чорвачилик амалиётида қўлланадиган кальцийфосфорли ем қўшимчасини ишлаб чиқаришга тегишли. **Вазифаси:** махсулотн қўшимча сарфланадиган материалларсиз, бир босқичда, якуний махсулот сифатини сақлаган ҳолда олиш имкониятини таъминлайдиган усулни содлаштириш. **Ихтиро моҳияти:** ем учун трикальцийфосфат олиш усули ҳайвонлар суякларик термик қайта ишлашдан иборат. Бунда ҳайвонлар суякларининг чиқиндиларига печда 500-550°C температурада 4-5 соат давомида кислород узатиб туриб ишлов берилади, кейин улар 1-2 мм ўлчамдаги фрагментларга майдаланади, 50 кг дан қопларга жойланади.

Использование: кормовое производство, а именно к производству кальций-фосфорной кормовой добавки, применяемой в практике животноводства при кормлении скота и птицы. **Задача:** упрощение способа, обеспечивающего возможность получения продукции без использования дополнительных расходных материалов, в одну стадию, при сохранении качества конечного продукта. **Сущность изобретения:** способ получения кормового трикальцийфосфата включает термическую обработку костей животного происхождения. При этом костные отходы животного происхождения обрабатывают в печи при температуре 500-550°C с по-

мощью подачи кислорода в течение 4-5 часов, затем осуществляют измельчение на фрагменты размером 1-2 мм, расфасовывают в мешки по 50 кг.

C 04

(21) IAP 2018 0630 (13) B
(51) C04B33/00 (22) 20.12.2018
(71) Урганч давлат университети, UZ
Ургенчский государственный университет, UZ
(72) Юнусов Миржалил Юнусович, Бабаев Забибулла Камилович, Джуманиязов Зокир Базарбаевич, Джабберганов Джахонгир Сабурбоевич, UZ
(54) **Керамик ғишт таркиби ва уни олиш усули**
Состав керамического кирпича и способ его получения

Фойдаланиш соҳаси: силикат материаллари ишлаб чиқариш, хусусан керамик буюмлар ишлаб чиқаришда. **Вазифаси:** механик мустақамлиги юқори ва шўрланиш таъсирига чидамли керамик ғишт ва буюмлар ишлаб чиқаришда махаллий ва техноген хом ашёлардан фойдаланган ҳолда энергия ва ресурс тежамкор самарали технологияни ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** шўрланиш ва табиий эрозия кучли бўлган худудлар учун механик мустақамлиги юқори ва кимёвий турғун бўлган керамик ғишт ва буюмлар олиш усулида керамик масса таркибига пишириш температура-сини пасайтириш учун 10-30% шиша чиқиндиси кукуни, 3-7 % таркибида углерод сақловчи бирикмалар қўшилиб, массани шакллаш ва пишириш режимини ўзгартирган ҳолда 900-1000°C ҳароратда куйдириб олинади.

Использование: производство силикатных материалов, в частности, при производстве керамических изделий. **Задача:** разработка энерго- и ресурсосберегающих эффективных технологий с использованием местного и техногенного сырья при производстве керамического кирпича и изделий с высокой механической прочностью и устойчивостью к воздействию соли. **Сущность изобретения:** в способе получения керамического кирпича и изделий из керамики с высокой механической прочностью и химической устойчивостью для ре-

гионов с сильным засолением и эрозией почвы в состав керамической массы с целью снижения температуры обжига добавляют 10-13% порошка стекольных отходов, 3-7% углеродосодержащих соединений, и производят обжиг при температуре 900-1000°C с изменением режима формирования и обжига массы.

C 05

(21) IAP 2018 0641 (13) B
(51) C05G3/00, C05F3/00 (22) 26.12.2018
(71) «Аммофос-Максам» акциядорлик жамияти, UZ
Акционерное общество «Аммофос-Максам», UZ
(72) Йулдашев Шакир Урунович, Ураков Барат Абдубакиевич, Джуманиязова Гульнара Исмаиловна, Закирьяева Саида Икрамовна, Ибрагимов Нормат Саъдуллаевич, Усаров Рохмат Шозимович, Волынскова Надежда Владимировна, UZ
(54) **Узоқ таъсир этувчи, юқори озукавий хусусиятга эга бўлган биофосфор минерал ўғитларни олиш усули**
Способ получения биофосфорных минеральных удобрений с высокой усвояемостью и продолжительного действия

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** қишлоқ хўжалиги биотехнологияси соҳаси, агрокимё, чунончи биологик агентлар билан модификацияланган фосфор минерал ўғитларини олиш усулларига тегишли. **Вазифаси:** қишлоқ хўжалиги ўсимликлари томонидан фосфор минерал ўғитларнинг ўзлаштирилишини ошириш усулини ишлаб чиқиш, шунингдек ўсимликлар учун ўзлаштириш қийин бўлган тупроқнинг боғланган фосфор запасини эритиш, фосфор ўғитларининг ассортиментини кенгайтириш, тупроқда фосфор кўпайиб кетишининг олдини олиш, ерларни фойдали микрофлора билан бойитиш, сувни тежаш ва атроф муҳит экологиясини яхшилаш. **Ихтиро моҳияти:** анъанавий фосфор минерал ўғитларни гранулалар юзидан боғловчи материал, полимер гидрогель, фосфатни мобилизацияловчи микроорганизмларнинг яшовчан споралари ва тўлдиргичдан таркиб топган композицион қобиклар шакллантирган ҳолда модификация қилиш, бунда тўлдиргич юқори фосфатоз фаолликка эгаллиги ва ўзлаштириладиган фосфор шаклининг бир маромда ва узоқ муддат ажралиб чиқиши билан характерланади.

Использование: область сельскохозяйственной биотехнологии, к агрохимии, а именно к способам получения модифицированных биологическими агентами фосфорных минеральных удобрений. **Задача:** разработка способа повышения усвояемости фосфорных минеральных удобрений растениями сельскохозяйственных культур, а также растворение недоступных для растений связанного фосфорного запаса почвы, расширение ассортимента фосфорных удобрений, предотвращение зафосфачивания почв, обогащение полезной микрофлорой земельных угодий, сбережение воды и улучшение экологии окружающей среды. **Сущность изобретения:** модификация традиционных фосфорных минеральных удобрений формированием на гранулах композиционных оболочек, состоящих из связующего материала, полимерного гидрогеля, жизнеспособных спор фосфатмобилизирующих микроорганизмов и наполнителя, обладающего высокой фосфатазной активностью и способностью равномерного и продолжительного высвобождения усвояемой формы фосфора.

C 07

(13) В

(21) IAP 2018 0616

(22) 12.12.2018

(51) C07B17/42

(71) Фаргона давлат университети, UZ
Ферганский государственный университет, UZ

Ахмадалиев Махамаджон Ахмадалиевич, UZ

(72) Ахмадалиев Махамаджон Ахмадалиевич, UZ

(54) Кальций полисульфидни олиш усули
Способ получения полисульфида кальция

Фойдаланиш соҳаси: кимё саноати ва қишлоқ хўжалиги. **Вазифаси:** саноат чиқиндиларининг таркибини ўрганиш асосида қайта ишлаш йўли билан қишлоқ хўжалик зараркундларига қарши курашувчи инсектецидни саноат миқёсида ишлаб чиқариш. **Ихтиронинг моҳияти:** кальций гидрооксидининг 20°C да солиштирма оғирлиги 1,126÷1,162 г/см³ бўлган эритмаси, нефть-газ саноатида ҳосил бўлаётган чиқинди олтингурти, синергетик қўшимча сифатида спирт заводи чиқиндиси, куб қолдиғи сивуха ёғи ёки кратон альдегид куб қолдиғи ёки уларнинг аралашмалари 80÷95°C температурада, 40-90 минут давомида қайнатиб олинад.

Использование: химическая промышленность и сельское хозяйство. **Задача:** производство в промышленном масштабе инсектецида для борьбы с сельскохозяйственными вредителями путем переработки на основе изучения состава промышленных отходов. **Сущность изобретения:** раствор гидрооксида кальция с удельным весом 1,126÷1,162 г/см³ при температуре 20°C, отходы серы нефтегазовой промышленности, отходы спиртового завода в качестве синергетической добавки, кубический остаток – масло сивухи или кратоноальдегидовый кубический остаток или их смесь подвергают кипячению при температуре 80÷95°C в течение 40-90 минут.

(13) В

(21) IAP 2018 0606

(22) 10.12.2018

(51) C07D 207/34, A61K 31/40, A61P 31/00

(31)(32)(33)13177926.6, 25.07.2013, EP

(31)(32)(33)14171062.404.06.2014, EP

(31)(32)(33) PCT/EP2014/066093, 25.07.2014, EP

(71) ЯНССЕНСАЙЕНСИЗАЙРЛЭНДЮСИ, IE

(72) ВАНДИК, Коен, КЕСТЕЛЕЙН, Барт, Рудольф, Романи, ВЕ; ПИТЕРС, Серж, Мария, Алоисиус, NL; РОМБУ, Герт, ВЕРСХЮЭРЕН, Вим, Гастон, РАБУАССОН, Пьер, Жан-Мари, Бернар, ВЕ

(54) Глиоксамид билан алмашган пирроламид ҳосилалари ва уларнинг гепатит В ни даволашда дори воситаси сифатида қўлланиши

Производные замещенного глиоксамидом пирроламида и их применение в качестве лекарственных средств для лечения гепатита В

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтика, тиббиёт. **Вазифаси:** юқори даражадаги самарадорлик ва хавфсизлик каби афзалликларга эга бўлган, шунингдек заҳарлилик, мутагенлик, селективликнинг етишмаслиги, кучсиз самарадорлик ва биологик ҳаммабоплик, эручанликнинг пастлиги ва синтезнинг мураккаблиги каби камчиликлардан камида биттасига эга бўлмаган қўшимча HBV ингибиторларини олиш. **Ихтиро моҳияти:** бирикма ёки унинг стереоизомери, ёки (IA), (I), (Ia), (Ib) формулани таутомер шакли, таркибида шундай бирикма бўлган фармацевтик композиция. Бирикмалар ёки таркибида улар бўлган фармацевтик композицияларнинг сут эмизувчиларда HBV келтириб чиқарадиган инфекцияларни даволаш ёки олдини олишда қўлланишига талабнома берилган. Шунингдек

кўрсатиб ўтилган бирикмаларнинг жигар фибрози, жигар яллиғланиши, жигар никрози, цирроз, жигар касаллиги ва гепатохўжайравий карценоманинг сўнгги босқичини даволаш ёки олдини олишда қўлланишига ҳам талабнома берилган.

Использование: фармацевтика, медицина. **Задача:** получение дополнительных ингибиторов HBV, которые обладают такими преимуществами, как повышенная эффективность и увеличенное окно безопасности, а также не имеют, по меньшей мере, одно из таких недостатков, как токсичность, мутагенность, недостаточная селективность, слабая эффективность и биодоступность, низкая растворимость и сложность синтеза. **Сущность изобретения:** соединение или его стереоизомер, или таутомерная форма с формулой (IA), (I), (Ia), (Ib), фармацевтические композиции его содержащие. Заявлено применение соединений или фармацевтических композиций, их содержащих при профилактике или лечении инфекций, вызываемых HBV у млекопитающего. Также заявлено применение указанных соединений в профилактике или лечении фиброза печени, воспаления печени, некроза печени, цирроза, конечной стадии заболевания печени и гепатоклеточной карциномы.

(13) В

(21) IAP 2018 0626

(22) 23.05.2017

(51) C07D 237/16 (2006.01), C07D 237/20 (2006.01), C07D 403/12 (2006.01), C07D 405/12 (2006.01), A61P 35/00 (2006.01), A61K 31/501 (2006.01)

(31)(32)(33) PCT/CN2016/083308, 25.05.2016, CN

(31)(32)(33) PCT/CN2017/074408, 22.02.2017, CN

(71) БАЙЕРФАРМААКТИЕНГЕЗЕЛЬШАФТ, ДОЙЧЕСКРЕБСФОРШУНГСЦЕНТРУМ (ДКФЦ), DE

(72) ШМЕЕС, Норберт, ГУТХЕР, Илона, ИРЛБАХЕР, Хорст, БАДЕР, Бенджамин, DE; ЧЖАО, На, CN; ПЛАТТЕН, Михаэль, РОЕН, Ульрике, ЦОРН, Людвиг, РЕЗЕ, Ларс, ШТЁККИГТ, Детлеф, DE


(85) 18.12.2018

(86) 23.05.2017, PCT/EP2017/062355

(87) 30.11.2017, WO 2017/202816


(54) 3-ОКСО-2,6-ДИФЕНИЛ-2,3-ДИГИДРОПИРИДАЗИН-4-КАРБОКСАМИДЛАР
3-ОКСО-2,6-ДИФЕНИЛ-2,3-ДИГИДРОПИРИДАЗИН-4-КАРБОКСАМИДЫ

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё, тиббиёт. **Вазифаси:** хавфли янги ҳосилалар ва бошқа ҳолатларни даволаш ва олдини олишда қўллаш учун АНР ни самарали ингибирлайдиган бирикмаларни олиш. **Ихтиро моҳияти:** мазкур ихтиро умумий формуласи (I)



кўринишда бўлган 3-оксо-2,6-дифенил-2,3-дигидропиридазин-4-карбоксамидли бирикмаларни қамраб олган бўлиб, бу ерда R¹, R², R³, R⁴, R⁵ ва R⁶ мазкур талабномада қандай белгиланган бўлса, шундай, шунингдек талабномада кўрсатиб ўтилган бирикмаларни олиш усуллари, кўрсатиб ўтилган бирикмаларни олиш учун яроқли оралик бирикмалар, фармацевтик композициялар ва кўрсатиб ўтилган бирикмалардан таркиб топган комбинациялар, ҳамда кўрсатиб ўтилган бирикмаларнинг фармацевтик композицияларни ишлаб чиқаришда қўлланиши таклиф қилинган бўлиб, бунда кўрсатиб ўтилган фармацевтик композицияларнинг, хусусан, хавфли янги ҳосилаларни ёки иммун жавоблари бошқаришдан чиқиб кетган ҳолатларни, ёки АНРнинг абберрант сигнализацияси билан боғлиқ бошқа бузилишларни даволаш ёки олдини олишда ягона восита кўринишида ёки бошқа актив компонентлар билан биргаликда қўлланиши кўзда тутилади.

Использование: химия, медицина. **Задача:** получение соединений, эффективно ингибирующих АНР, для применения в лечении или профилактики злокачественного новообразования или других состояний. **Сущность изобретения:** настоящее изобретение охватывает 3-оксо-2,6-дифенил-2,3-дигидропиридазин-4-карбоксамидные соединения общей формулы (I):



в которой R^1 , R^2 , R^3 , R^4 , R^5 и R^6 являются такими, как определено в настоящей заявке, способы получения указанных соединений, промежуточные соединения, пригодные для получения указанных соединений, фармацевтические композиции и комбинации, содержащие указанные соединения, и применение указанных соединений для производства фармацевтических композиций для лечения или профилактики заболеваний, в частности, злокачественного новообразования или состояний с disregулированными иммунными ответами, или других нарушений, связанных с aberrантной сигнализацией AHR, в виде единственного средства или в комбинации с другими активными компонентами.

(13) В

(21) IAP 2018 0595

(22) 03.06.2017

(51) C07D 239/42 (2006.01), C07D 239/84 (2006.01), C07D 251/18 (2006.01), C07D 487/04 (2006.01), C07D 491/048 (2006.01), C07D 519/00 (2006.01), A61K 31/519 (2006.01), A61K 31/505 (2006.01), A61K 31/53 (2006.01), A61P 35/00 (2006.01)

(31)(32)(33) 62/346,226, 06.06.2016, US

(31)(32)(33) 62/376,856, 18.08.2016, US

(31)(32)(33) 62/431,714, 08.12.2016, US

(31)(32)(33) 62/506,076, 15.05.2017, US

(71) ПФАЙЗЕРИНК., US

(72) КАМПФ, Роберт Арнольд, МАКАЛ-ПАЙН, Индраван Джеймс, МАКТИГ, Мишель Энн, ПЭТМЭН, Райан, РУИ, Юджин-Юанжин, ТЭТЛОК, Джон Говард, ТРЭН-ДЬЮБ, Мишель Бич, УИТЕС, Мартин Джеймс, US

(85) 06.12.2018


(86) 03.06.2017, PCT/IB2017/053295

(87) 14.12.2017, WO 2017/212385

(54) Саратонга қарши агентлар сифатида мақбул бўлган ўриналмашинган карбонуклеозид ҳосилалари


Замещенные карбонуклеозидные производные, приемлемые в качестве противораковых агентов

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тақдим этилган ихтиро фармацевтика соҳасига тегишли, чунончи сут эмизувчиларда саратон каби хўжайраларнинг патологик ўсишини даволашда мақбул бўлган карбонуклеозид ҳосилаларга, бундай бирикмаларнинг сут эмизувчиларда, жумладан инсонларда, хўжайраларнинг патологик ўсишини даволашда қўлланиши, ҳамда саратонга қарши агентлар сифатида ишлатиладиган фармацевтик композицияларга тегишли. **Вазифаси:** PRMT5 бешнинг қўлланиши тавсия қилинган касалликни даволаш учун дори воситасини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** тақдим қилинаётган ихтиро умумий формуласи:



бўлган бирикмаларни, мазкур бирикмаларни олиш усуллари, таркибида мазкур бирикмалар бўлган композицияларни ва мазкур бирикмаларнинг қўлланишини кўзда тутди.

